Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 10 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

№ 84 (6580).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Жаҳонда муносиб ўрни бўлган Ўзбекистон Республикаси ва халқи номидан сизларни — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриклайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вазифаларидан бири—ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос солинган халқаро кинофестиваль ана шундай қутлуғ анъаналардан биридир. Жаҳон халқлари маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлиш чин маънодаги саодатдир.

Ўзбекистон илм-маърифат ва санъат даҳоларининг бешигини тебратган ватандир. Ал-Хоразмий, ат-Термизий, Имом Бухорий, Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг ватани бўлган Ўзбекистон сизга кенг қучоқ очиб турибди. Сиз ҳар қадамда халқимиз меҳр-муҳаббати, санъатга бўлган эҳтиромининг шоҳиди бўласиз, деб ўйлайман.

Бугун Тошкентда очилаётган киноанжуман мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини янада кенгайтиришига шубҳа йўқ. Биз кино оламининг намояндаларига қучоқ очарканмиз, айни пайтда жаҳон санъати ва маданияти эшиклари бизга ҳам кенг очилаётганини ҳис қиламиз.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент жаҳоннинг буюк қитъаларини бирлаштирган киноанжуманнинг доимий маркази бўлиб қолганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик руҳи абадийдир! Тошкент тинчлик ва дўстликка хизмат қилган буюк ташаббуслар ва анъаналарнинг ватани бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Тошкентда навбатдаги XI Халқаро кинофестиваль байроғининг баланд кўтарилиши билан сизларни яна бир бор қутлайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

СУРАТДА: фестивалнинг очилиш маросими.

Р. Шаршов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонга ташқаридан олиб келинадиган ёқилғи-энергетика ресурслари қимматлашганлиги муносабати билан ҳамда республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олдини олиш чораларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 2000 сўм қилиб белгилансин.

2. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 2500 сўм бўлишидан келиб чиқиб, нафақалар миқдори белгилансин, Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасига етказилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларини табақалаштирилган миқдорларда қайтадан ҳисоблаб чиқсин.

4. Бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баравар оширилсин.

5. Болали оилаларга мадад бериш мақсадида болалар учун ҳозирги вақтда амалда бўлган ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин. Белгилаб қўйилсинки, жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаганда энг оз ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болали оилаларга нафақалар тўланади.

6. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгилансин.

Ойига 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12 фоиз) белгилансин. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида белгиланган тартибда ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақидан табақалаштирилган тарзда солиқ олиш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, техникумлар ҳамда кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,6 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

8. Биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга гилам буюмлар ва мебель сотишда имтиёзли тартиб сақлаб қолиниб, оилага бериладиган товон миқдори 5000 сўмгача кўпайтирилсин.

9. Республика маҳалла комитетлари раислари ва котибларининг мансаб маошлари 2 баравар оширилсин.

10. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар ушбу Фармонда белгиланган миқдорларда ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

11. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, ишловчиларнинг маошини янада оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки корхоналарга, ташкилотлар, муассасаларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

МЕҲМОНГА МЕҲР УЛАШИБ

Киночиларгина эмас, бутун Ўзбекистон халқи орзиқиб кутган кунлар келди. Қитъалар халқларининг тинчлиги, дўстлиги ва ҳамкорлигига хизмат қилажак санъат фестивали байроғи баланд кўтарилди. Меҳмонга ҳамиша тавозе билан пешвоз чиқадиган тошкентликлар бу сафар ҳам ўз тантилиги, меҳмоннавозлигини намойиш қилмоқдалар. Анжуман кунлари меҳмонлар ва кинофестиваль қатнашчилари учун қатор маданий тадбирлар, қизиқарли сафарлар ўтказиш режалаштирилган. Меҳмонлар Ўзбекистон санъати давлат музейига, амалий санъати музейи, қадимий ва замонавий заргарлик санъати музейларига, республика рассомлар уюшмаси кўргазмалар залига ташриф қилишиб, асрий тарихга эга бўлган беназир санъатимиз дурдоналари билан танишадилар.

Тошкент театрлари, концерт заллари, шаҳар цирки шу кунларда ўзларининг энг яхши кўрсатув-томошаларини азиз меҳмонларга ҳавола қилишади.

Миллионлар қалбини оҳанрабодек ўзига тортиб турувчи кўҳна обидалар шаҳри — Самарқанд сафарини ҳам меҳмонларимиз интиқ кутишмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимияти, кинофестивалнинг бош ҳомийси — Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ Академияси, кинофестиваль ташкилий қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимияти фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари шарафига қабул эълон қилишган.

Комил Ёрматов номли «Ўзбекфильм» киностудиясида халқаро анжуман қатнашчилари ўзбек киночилари билан учрашадилар. Шаҳримиздаги ижодий уюшмалар, маданият муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳам унутилмас учрашувлар, ажойиб суҳбатлар бўлиб ўтади.

Ҳар куни киночилар ўйинининг катта залида бадиий фильмларнинг танлов кўриги ўтказилади. Нодирабегим номли кинотеатрда Капурлар оиласи фильмларининг ретроспектив намойиши бўлади.

ФЕСТИВАЛЬ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Орзиқиб кутилган дамлар келди.

Уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчилари тантанали маросим бошланишидан анча илгари муҳташам Халқлар дўстлиги саройи олдидаги майдонга кела бошладилар.

Улар орасида бизга таниш чеҳралар — Ҳиндистондан Раж Капур асос солган киночилар сулоласининг давомчилари — машҳур санъаткорнинг фарзандларини, туркиялик кино юлдузларни, Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган севимли артистларни, мустақил диёримиз экран санъати намоёндаларини кўрамиз.

Бир томонда карнай-сурнай навоси, бир томонда раққосалар ҳироми...

Саройга кираверишда ҳур ватанимизнинг Давлат байроғи, фестивалда қатнашаётган мамлакатларнинг байроқлари ҳилпираб турибди.

Соат 18. Саройнинг муҳташам зали томошабинлар билан лиқ тўла. Саҳнага фестивалда қатнашиш учун Тошкентга ташриф буюрган қирқдан ортиқ мамлакат, шунингдек Ўзбекистон кино санъатининг атоқли арбоблари чиқиб келадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров фестивални очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига табрикномасини ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг тантанали садолари остида фестиваль байроғи кўтарилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг очилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, шунингдек Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиа, Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги ташкилотининг президенти доктор Мирза Ғолиб қатнашдилар.

(ЎзА).

ЯНА ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР...

Ниҳоят интиқ кутилган ҳаяжонли кунлар етиб келди. Албатта, илгарилари ҳар йили Тошкентда ўтказиладиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Халқаро кинофестивалининг бўлмаётганлиги сўнгги йилларда миллионлаб киноихлосмандлар кўнглини кемтик қилиб келмоқда эди. 8 октябрь куни бошланган XI кинофестиваль ўша кемтик кўнгилларни тўлдириб, оламолам қувонч келтиришига умидвормиз.

Ўзбек киношинавандаларини, аввало, кўзлар тўла ёш ила кўриладиган ҳинд кинолари қизиқтирса керак. Шу мақсадда «Али бобо ва 40 қароқчи», «Овчи» ва шу каби кўплаб фильмларни яратган Игл фильмиз компанияси кинорежиссёри Гумеш Мехрага бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Кечирасиз, аввало кўпчиликни ташвишлантираётган ҳол, яъни доврўғ қозонган Митхун Чакраборти, Амитабх Баччан ва яна бир қатор кино юлдузларининг келмаганлиги сабаблари хусусида тўхталсангиз!

— Кела-кела мен, албатта, шу савол биринчи бўлиб берилишини билардим. Биласизми, бу сафар биз шундай қилдикки, ҳали бирор бир катта киноанжуманларда қатнашмаган, лекин ўзларига яраша шон-шуҳратга эга бўлган актёрларни олиб келишга қарор қилдик. Сиз сўраётган киноюлдузларимиз эса бир неча маротаба Тошкентда бўлишган. Ҳозир келганлар орасида Анил Капур, Раҳир Капур, Индера Кишар ва бошқа актёрлар, кинорежиссёрлар бор.

— Бу галги кинофестивалга тақдим этган фильмларингиз ва улар яратувчилари ҳақида икки оғиз.

— Биз ўттизга яқин фильм олиб келганмиз. Шулардан «Мўъжиза», «Худочавах» каби бир қатор картиналар танловга қўйилади. «Мўъжиза» фильми ҳам Шарух Хан, Насруддин Шох каби актёрларни юлдузлар поғонасига кўтарса ажабмас. Бу фильм режиссёри менинг укам Ражив Мехрадир.

— Ҳиндистонда болалар киноси борасида қилинаётган ишлардан хабардормисиз?

— Энг оқсаётган иш ҳақида сўрадингиз. Ҳозир киночилик соҳасини ҳам тижорат ўз домига тортган. Болалар киноси эса даромадсиз деб ҳисобланади. Бу, албатта, нотўғри. Кичкинтойларни ўйламаслик мумкин эмас. Бизда айнан шу масала билан шуғулланадиган Давлат ташкилий қўмитаси мавжуд. Бироқ уларнинг ҳам қўли калталик қилаяпти.

Болалар киноси намойиши асосан ойнаи жаҳон орқали бўлади. Катта экранда эса саноқли, холос.

— Ўзингиз болалар учун кино яратиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз!

— Мен ўзим яратган кинолар-нинг буниси болаларга, буниси катталарга деб ажрата олмайман. «Али бобо ва қирқ қароқчи»ни ёки бўлмаса сўнгги фильмим «Овчи»ни олсаизми, барчасида болалар-бол томошалар етарлича. Агар уларни болалар фильми десак, кўпчилик катта томошабинларимиздан ажраб қолишимиз мумкин.

— Сиздан келгусида яна қандай янги картиналарни кутсак бўлади!

— Ҳозир галдаги фильм хусусида бир аниқ гап айтиш қийин. Шуни маълум қилишим мумкинки, ҳозир сценарийси ёзилаётган ушбу картина воқеалари Англия, Америка, Япония, шу жумладан сизнинг МДҲ ҳудудида кечади.

— Сиз ҳайъат аъзоси сифатида қайси мамлакат фильми ғолиб келади деб ўйлайсиз!

— Вақт — олий ҳакам.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Абдусамат РАҲИМ суҳбатлашди.

ШУ ЙЎЛДАН БОРАВЕРАМИЗ...

Шу йил республикамизнинг 19 та олий ўқув юртида тест синовлари орқали талабалар қабул қилинди. Қабулнинг бу янги усули яхши самара бергани, ижобий натижа келтирганн кенг жамоатчилик томонидан қайд этилмоқда.

Мухбиримиз Тошкент вилояти давлат педагогика институти ректори Н. Ф. Иброҳимов билан тест синовлари ва унинг натижалари тўғрисида суҳбатлашди.

— Наримон Фозилович, тоғлар орасида жойлашган Ангрен шаҳридаги бу институтга келар эканман, даставвал автобусда хаёлимга: «Нега бу олий ўқув юрти ҳеч кимнинг номи билан аталмайди?» — деган қизиқ бир савол келди. Айтингчи, ёки сизларга шунинси маъқулроқми?

— Ҳақиқатан ҳам, бу ўринли савол. Биз ҳам шу тўғрида ўйлаб кўраяпмиз. Илгарилари ҳам институтимизга машҳур алломалардан бирининг номини бериш учун бир неча маротаба ҳаракат қилганмиз. Айни кунларда ҳам ана шундай ҳаракатимиз йўқ эмас. Ажаб эмаски, яқин кунларда бу масала ижобий ечимини топиб қолса.

— Четроққа жойлашганлиги учунми, кўпчилик бу олий ўқув юрти ҳақида унчалик аниқ тасаввурга эга эмас. Масалан, менинг ўзим ҳам. Энг аввало, маълум бир тасаввурга эга бўлишимиз учун институт ҳаёти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

— Бажонидил. Бизнинг Тошкент вилояти давлат педагогика институтимиз айни кунларда ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Унда 6 та куллиёт мавжуд бўлиб, кундузги бўлимда 2551 нафар, сиртқи бўлимда 1561 нафар талаба таҳсил кўрмоқда. 3 та ошхона, 3 та ётоқхона талабалар учун хизмат кўрсатаяпти. Вилоятимизнинг ҳамда жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан таҳсил олишга келган талабаларимиз учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ётоқхоналаримиздаги қулайликларни ўзингиз ҳам кўрдингиз. Талабаларимиз учун махсус дўкон ҳам очганмиз.

— Ўқув-ўқитув ишларида ҳам янгиликлар борми?

— Албатта. Ҳаётимиз ҳар лаҳза янгиланишда бўлган ҳозиргидек бир даврда бизнинг олий ўқув юртимизда ҳам бир қатор янгиликлар бўлиши табиий. Айни кунларда ўқитувчиларимиз жамоаси рус тилида бўлган қўлланмаларни таржима қилиш, ўзбек тилида ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш устида қизғин иш олиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда истеъмол молларининг нархлари ва хизматлар ҳақи тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида республиканинг «Маҳалла» хайрия жамғармаси аҳолининг камбағал табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ўз Устави вазифаларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан «Маҳалла» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги 700-сон ҳисоб рақамига йигирма беш миллион сўм пул ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Маҳалла» жамғармасига ўтказиладиган пуллар ҳамда бошқа моддий маблағлар асосан камбағал оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган-дир.

2. Вазирликлар ва идораларнинг, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларини тарғиб этишга доир тадбирларни амалда рўёбга чиқариш, республика аҳолисининг энг муҳтож табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармасига аниқ мақсадни кўзлаб ёрдам бериш тавсия этилсин.

3. Газеталар, журналлар, телерадиоэшиттириш муҳарририятлари «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини, шунингдек, вазирликлар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларнинг республика аҳолисига ижтимоий ёрдам бериш борасидаги ишини кенг тарғиб қилишга оид махсус рукнларни очсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

ОБУНА-93

ҚЎЛИМГА ТЕГМАЙ ҚОЛСА...

«Маърифат»ни қатор йиллардан буён қизиқиб ўқийман. Агарда биронта сони қўлимга тегмай қолса, бир нарсамни йўқотгандек ҳис қиламан. Чунки мен газета саҳифаларида ўзимни қизиқтирган муаммоми, хабарми, янгиликми — лоим топаман, ундан иш фаолиятимда кенг фойдаланаман. Бизнинг В. Каримов номли 1-ўрта мактабда турли газета ва журналлар қатори «Маърифат»га ҳам уюшқоқлик билан обуна бўлишяпти. Ўқитувчилардан С. Ашурова, Х. Раҳмонбердиевлар бу ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишди.

Рихсивой ТИЛЛАЕВ.
Тошкент районы.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"га

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

Ш. Р. Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига

Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли маданият ва истироҳат боғида «Ташаккур сенга, устоз!» деб аталган бир ҳафталик хайрия марафони бўлиб ўтди. Етти кун мобайнида вилоят марказидаги умумтаълим мактаблари, боғча ва яслиларнинг тарбиячилари, мактабдан ташқари муассасаларнинг вакиллари ўз маҳоратларини намойиш қилишлари учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилди. Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллигига бағишланган бу тадбирни Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси ҳамда ўқувчи ёшларнинг уюшмаси иттифоқи жамоалари ҳамкорликда ўтказишди.

«ТАШАККУР СЕНГА, УСТОЗ!»

— Ташкилотчиларга катта ташаккур. Бағоят савоб ишни бошлашибди, — деди саксон ёшини қаршилаётган устоз муаллим Аҳмад ота Имомназаров. Дарҳақиқат, марафон ишидан хурсанд бўлган Аҳмад ота сингари кишиларнинг сон-саноғи йўқ.

Ойбек номли 7-ўрта мактаб жамоаси марафоннинг мутлақ ғолиби бўлди. Жиззах шаҳар ҳокими А. С. Соатов фармойиши билан биринчи ўринни эгаллаган муаллимлар учун битта рангли телевизор ажратишга қарор қилинди. Мамашариф Ҳусаинов номли 19, Парда Ҳакимов номли 12-ўрта мактабларга 2-ўрин, Ҳамроқул Носиров номли 16-ўрта мактаб, Абу Райҳон Беруний номли гимназия вакилларига эса 3-ўринни эгаллаш насиб этди.

Сайроқи қушлар, шунингдек гуллар танловида шаҳардаги 5, 8, 18, 1-ўрта мактабларнинг муаллимлари юқори ўринларга кўтарилишди.

Марафон доирасида енгил атлетика кросси ҳам бўлиб ўтди. Стартга умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг саккиз юз нафарга яқин спортчиси чиқди. Фурқат номли, Амир Темур номли, Улуғбек номли ўрта мактабларнинг ўқувчилари А. Ўролов, Б. Умрзоқов, Г. Отабобоевлар ўғил болалар ўртасида, 4-ўрта мактабда таҳсил кўраётган Зуҳра Одилова эса дугоналари ўртасида маррага биринчи бўлиб келишди. Ҳаммаси бўлиб ўттиз нафардан кўпроқ иштирокчига эсдалик совғалари тақдим этилди. Эрмат Йўлдошев номли ўрта мактаб раҳбарлари ушбу мусобақаларга энг кўп — 48 нафар спортчи юборгани таҳсинга лойиқдир.

Марафон чоғида қадр-қадрият, ўзбекона меҳр-шафқат ва меҳрибонликни қарор топтириш тўғрисида бот-бот сўз юритилди. Ташкилотчилар ишбилармонликлари, ҳамкасблари қалбига йўл топа олаётганликлари билан сўз ва иш бирлигини таъминлашди.

Хайрия ва мурувват марафони давом этган кунларда Жиззах маорифига тамал тошини қўйган Исмоил ота Қурбонов, Руҳулла ота Юсупов, Чинни Салимова, Турсунбой Холматов, уларнинг қобил шогирдлари Марат Исҳоқов, Остонақул Бегбоев каби муаллимларга ҳурмат бажо келтирилди, уларга гуллар, Шароф Рашидов сиймоси туширилган совғалар тақдим қилинди.

Орамиздан бевақт кетган Жума Соатов, Файзираҳмон Ҳасанов, Ёқуб Юсупов, Маматқул Зокиров, Евгений Карташовларнинг номлари ёдга олиниб, марҳумларнинг ишини давом эттириш тўғрисида қасамёд қилинди.

Турли сабаб билан даврага қўшила олмаган ўқитувчиларнинг ҳолидан хабар олинди. Антонина Тупикова, Бахти Аҳмедов, Нажия Гисматуллина, Нагима Мантеева, Шарофат Бердиева каби фахрийларнинг хонадонларида ҳам байрам руҳи яққол сезилди, уларга моддий-маънавий ёрдам уюштирилди.

«Ташаккур сенга, устоз!» марафони учун махсус очилган 219-ҳисобга кўмаклашиш ҳеч бир кишининг эътиборидан четда қолмади. Жиззах шаҳридаги 2-қурилиш ашёлари комбинати 10 минг сўм, саноат корхонасида ишлаб турган «Мармар» кичик корхонаси 5 минг сўм, вилоятдаги 1-механизациялашган кўчма корхонаси ўзи ҳомий бўлган 9-ўрта мактабга битта рангли телевизор ва яна 10 минг сўм пул ҳадя қилди. Жиззах пайпоқ тўқиш фабрикаси раҳбарлари ҳам ўзлари оталиққа олган 14 ва 18-ўрта мактабларга 10 минг сўмдан моддий ёрдам беришди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, марафон ҳисобига 170 минг сўмга яқин пул ўтказилди. Ҳиммат кўрсатиш ҳамон давом этаётир.

— Ҳамкасбларимиз республикамизда биринчи бўлиб хайрли ишни бошлашди, — деди халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раисининг ўринбосари Асқарали Султонов. — Биз бу ҳаракатни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Шу сабаб, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳам уларни 10 минг сўм миқдорида пул ўтказиш билан рағбатлантирди.

Дарҳақиқат, ишбилармонлик, одамлар ҳақида амалда қайғуриш ҳаракатини хайрихоҳлик билан ёқласа арзийди. Жиззахлик маорифчилар ташаббуси бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатди.

Умуман, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Ш. Р. Рашидов таваллуд топган кунга бағишланган марафон саховатли ва яхши тадбирлардан бўлди. Яхшиликдан эса ҳамиша ўчмас из қолади ва у барча-барчани инсонни қадрлашга, эъзозлашга, юртнинг гуллаб-яшнаши, элнинг фаровонлиги учун саховат кўрсатишга чорлаб туради.

Раҳматулла ЮНУСОВ.



СУРАТЛИ ЛАВҲА

Пойтахтимиздаги 59-ўрта мактабда 35 йилдан буён хитой тили ўргатиб келинмоқда. Бу қадимий мамлакат тилининг ўргатилиши бутун таълим жараёнига, шунингдек тарбиявий ишларга ҳам яхши таъсир кўрсатаётир.

Мактабда Хитой тарихи ва маданияти музейи ташкил этилган. Музейни ташкил этишда, экспонатларни бойитиб боришда ўқитувчилар ва ўқувчилар фаол иштирок этишмоқда. Бу ерга турли мамлакатлардан келган делегациялар ташриф буюришади. Улар таълим-тарбия ишларининг қўйилиши, шунингдек музей экспонатлари билан танишишади.

ИШТИЁҚ БИЛАН ЎРГАНИШМОҚДА

Ҳозирги кунда мактабда ишлаб турган педагогларнинг ярмига яқини собиқ талабалардир. Улар мактабни турли йилларда тугатганларидан сўнг чет тиллар институтини, Тошкент давлат университетининг шарқ факультетини битириб, малакали мутахассис бўлиб етишишган. Ўқитувчилар орасида Хитойдан келган мутахассислар ҳам бор. Вера Васильевна Кай Су шулар жумласидандир. Олий тонфали бу ўқитувчи кўп йиллардан буён хитой тилидан дарс бериб келаётир. У ўқувчиларга хитойча сўз ва ибораларни қуруқ ёдлаб олишни эмас, балки таҳлил этишни, англашни ўргатиб келмоқда. Ўқувчилар бу қадимий мамлакат тилини иштиёқ билан ўрганишаётир.

Суратларда: 8-синфда хитой тили дарсини ўқитувчи В. В. Кай Су олиб бораётир; мактаб Хитой тарихи ва маданияти музейида; 59-мактаб ўқувчилари.

Сураткаш А. БАЖАНОВ.

ШУ ЙЎЛДАН БОРАВЕРАМИЗ...

(Боши 1-бетда).

— Олий ўқув юртида ҳафтасига 28 соатлик, яъни 5 кунлик ўқиш жорий қилинган. Янги ўқув режасига ўтганмиз. Барча куллиётларда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон географияси фанларини ўтишни йўлга қўйяпмиз. Барча-барча фанларни ўзбек тилидаги қўлланма ва дастурлар билан таъминлаш учун ҳам ички, ҳам ташқи имкониятлардан фойдаланяпмиз. Бу ишда институтимизнинг 265 кишилик профессор-ўқитувчилар жамоаси фидойилик кўрсатишмоқда.

— Энди асосий мавзуга кўчсак. Бу ерга бизни яхши бир хушхабар етаклаб келди. Сизнинг институтингизда шу йилги қабулда тест синовлари бўйича юқори натижага эришилган экан. Шуни шарҳлаб бersангиз?

— Энг аввало, тест синовлари ҳақида икки оғиз гапириб ўтишни истар эдим. Ўқувчи билимларини одилона, ҳаққоний баҳолай оладиган бу усул ривожланган чет эл мамлакатларида кенг ёйилганлиги бежиз эмас. Масалан, Америка мактабларида оғзаки сўраб, баҳо қўйилмасдан, ҳар ярим йилда 2—3 марта тест синовлари ёрдамидан ўқувчиларнинг билими аниқлаб олинар экан. Ёки Германияда олий ўқув юртларига қабул қилишда кириш имтиҳонлари бўлмасдан мактабдаги аттестат баҳоларига қараб конкурсли қабул қилинар, сўнг, талабаларни тест ёрдамида ўзлаштиришларини аниқлаб, шунга мос равишда ўқув режалари тузишар экан.

Мустақил республикамизда ҳам тест синовларининг жорий қилинганлиги истиқбол томонга ташланган катта қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Энди бизнинг олий ўқув юртимизда тест синовлари бўйича юқори натижага эришилганини шарҳлайдиган бўлсак, даставвал шуни айтиб ўтиш керакки, биз унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Жумладан, синов бошланишидан 2—3 ой олдин ўқитувчиларимиз Тошкент вилоятининг ҳамма районларида, қишлоқларида, мактабларида бўлишиб, ўқувчиларга бу йилги қабул имтиҳонларининг афзалликлари, тестнинг қонун-қоидалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришди. Шу билан бир қаторда вилоятимиздаги 21 та район рўзномасида тестнинг афзалликлари хусусида мақолалар эълон қилдик. Тест синовлари ўтказилишидан олдин 10 кун давомида барча фанлардан консультациялар ўтказдик. Абитуриентларга тест китобидаги мисоллар асосида тушунчалар берилди. Институтда тест синови қоидалари керакли ҳажмда кўпайтирилиб, ҳар бир абитуриентга чуқур танишиш учун тарқатилди. Ундан ташқари, Ангрен, Оҳангарон шаҳри ва Тошкент вилоятининг бошқа кўпгина мактабларидан келган ўқувчиларнинг пухта билимга эга эканлиги ҳам бу ерда жуда қўл келди. Синовдан бир кун олдин абитуриентларнинг ота-оналарини тўплаб йиғилиш ўтказдик, бу йилги қабулнинг ҳеч қанақа қийғир-қийшиқ йўллари йўқлигини ва бўлмаслигини ҳам тушунтириб, уларни хотиржам қилдик.

Тест синови натижалари эълон қилинадиган куни ЎРТТМдан келган масъул ходимлар ҳам умумий қонун-қоидалар бизнинг абитуриентлар томонидан бекаму-кўст бажарилганлигини таъкидлашди. Норози бўлган ота-оналар алоҳида-алоҳида қабул қилиниб, синов пайтида фарзанди йўл қўйган хато-камчиликлар кўрсатилди. Натижада ҳар қандай ортиқча гап-сўзларнинг олди олинди, юқорига шикоят қилувчилар бўлмади.

— Олий ўқув юртига тест синовларини энг юқори балл билан топширганлар кимлар эканлигини айта оласизми?

— Тест синови бўйича имтиҳон топшириш учун бу йил институтимиз қабул комиссиясига 579 нафар абитуриент ҳужжат топширган эди. Шулардан 401 нафари 13 та мутахассислик бўйича синовдан муваффақиятли ўтишиб, ўқишга қабул қилинди. Тест синовлари пайтида ўқувчиларнинг мутахасисликка қизиқиши ҳам муҳим рол ўйнади, менинг назаримда. Яна бир нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бизнинг ўқитувчиларимиздан бирортаси ҳам синов пайтида қатнашмади. Мактаблардан келган ўқитувчилар, депутатлар ва бошқа касб эгалари (уларнинг ичида ҳатто сартарош ҳам бор эди) абитуриентлардан шаблонларни қабул қилишди.

Энг юқори балл тўплаб институтимизга ўқишга қабул қилинганлар ичида ўзбек филологияси куллиётига ҳужжат топширган Мирзақулов Илҳом деган йигитнинг 218,8 балл билан талабаликка қабул қилинганлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ёки бошланғич таълим методикаси куллиётига ҳужжат топширган Мальшина Елена 202 балл билан талабаликка қабул қилинди. Умуман олганда, тажриба учун биринчи марта ўтказилаётганлигига қарамасдан, ҳар бир абитуриентимиз ўзига хос тиришқоқлик, зукколик билан ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

— Тест синовларининг афзаллик томонларини сездингизми? Уннинг давом эттирилишига тарафдормисиз? Ёки...?

— Бу усулнинг афзаллик томонлари кўп экан, албатта. Масалан, эски усул билан имтиҳон топширилганида, олдин бир ой давомида уч-тўрт фандан имтиҳон топширадиган абитуриент энди бир кунда уч-тўрт соат ичида ўз билимини намойиш эта олади. Бу усул қўлланилганда, биринчидан, абитуриентнинг вақти тежалади. Иккинчидан, ҳар қандай адолатсизликларнинг олди олинади, ортиқча ҳаяжонлар бўлмайди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур йилда бу синов усули биринчи марта ўтказилаётгани учун баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмади. Келгусида уни яна такомиллаштирилган ҳолда давом эттириш лозим, деб ўйлайман. Бунинг учун биз мактабдаёқ ўқувчиларга тест синовлари ҳақида тушунчалар бериб боришимиз, уларнинг билимларини тест орқали текшириб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, тест синовлари қабулнинг энг одил, энг ҳалол йўлидир. Таълим-тарбия соҳасида тинимсиз изланиш, ижодкорлик талаб қилинаётган ҳозирги пайтда ана шу адолатли йўлдан борганимиздагина истиқбол йўлига чиқишимиз осон бўлади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош: махсус мухбиримиз Зубайда УСМОНОВА.

НУРМАДАД ШИФОКОРЛАР

Ибн Сино номидаги Ўзбекистон Республикаси экстрасенслар ассоциацияси Луқмон Ҳаким номидаги «Нурмададшифо» ўқув марказининг ташкил этилганига атиги бир неча ойлар бўлди. Шу ўтган қисқа давр ичида ассоциация вужудида Оллоҳ таоло инъом этган бионур қуввати бор кишиларни аниқлаш, уларни ўқитиш ва экстрасенсология бўйича тегишли маслаҳат, йўналишлар бериш борасида талай ишлар амалга оширилди. Шулардан бири — ўтган бир ой давомида 25 нафар нурмадад шифокорга аввало бемор кишиларни, шунингдек табиатни, ўсимликлар дунёсини, жониворларни ҳамда ифлосланган экологик муҳитни шифобахш бионур ёрдамида даволаш бўйича атрофлича назарий ва амалий билимлар берилди.

Ассоциация Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари тиббиётида муҳим ўрин эгаллаган табиатда қувват-ахборот алмашуви жараёнларини илмий ўрганади, хислатли кишилардаги бионур қуввати таъсирини дин тарихи, Қуръон таълимоти ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида инсон саломатлигини тиклаш ишларига қаратади. Шуни унутмаслик керакки, мазкур ўқув марказида чуқур текширувлар асосида танлаб олинган ва экстрасенсология соҳаси бўйича таҳсил кўрган нурмадад шифокорларнинг бемор кишиларга шифо бериш услуби шифокорлар ва халқ табибларининг даволаш услубидан кескин фарқ қилади. Зеро, дўхтирлар асосан дори-дармонлар, физиотерапия, даволаш машқлари ва ҳоказолар билан, табиблар эса ўтўланлар, турли шифобахш ўсимликлар, ҳайвонлар ёғи ва бошқалар билан беморларга шифо берсалар, экстрасенслар фавқулодда зохирий куч — Оллоҳ таоло инъом этган шифобахш бионур қуввати воситасида даволайдилар. Нурмадад шифокорларнинг хизмати тезкорлиги, арзон ва зарарсизлиги билан ҳозирги замон тиббиёти ва халқ табобатининг баъзибир услубларидан юқори туради.

Ўқув марказида тингловчиларга экстрасенсологиянинг сир-асрорларини яхши тушунган мутахассис-олимлар машғулот ўтишади. Бу ерда таҳсил кўриб мутахассислик бўйича ҳужжат олган кишилар Ер куррасидаги барча беморларга, уларнинг ирқи, диний мазҳаби қандай бўлишидан қатъи назар, шифо берадилар. Экстрасенслар инсоният дунёсида энг мудҳиш саналган рак, спид ҳамда жарроҳлик йўли билан тузатиладиган касалликлардан бошқа барчасини даволашлари мумкин.

Куни кеча «Нурмададшифо» ўқув марказида экстрасенсология бўйича таҳсил кўрган ва шу марказдан илк бор учирма қилинаётган 25 нафар шифобахш бионур эгаларига ўқишни битирганлиги ҳақидаги диплом ва экстрасенслар ассоциациясига аъзолик билетлари топширилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, битирувчиларнинг барчаси турли касб эгалари бўлиб, улар республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюришган. Экстрасенсларга берилган диплом Ер куррасининг барча минтақаларида бир хил кучга эга ҳисобланади.

Тингловчиларга ҳужжатларни Ассоциация президенти, олий даражадаги экстрасенсорика профессори Яҳё Шермуҳамедов топширди ҳамда нурмадад шифокорларнинг бурч ва вазифалари ҳақида маъруза қилди. Экстрасенслар эса ўз навбатида: «Мен Ер куррасининг фуқароси, Оллоҳ бандаси, оққўнгиллик билан инсонларга нурмададшифо бериш ниятида уларнинг маънавий ва жисмоний оламига, анатомиясига таъсир қилишдан олдин қуйидаги энг муҳим талабларни сидқидилдан бажараман, Оллоҳ олдида қасамёд қиламан», дея Ўзбекистон Республикаси экстрасенси одоби ва қасамёдида битилган 16 банд қондани доимо ёдда тутишларини билдирдилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ, мухбиримиз.

Мулоҳаза

ДИН ВА ТАРБИЯ

Қафасдан қутулган қуш мақсадсиз боши оққан томонга учганидек, сиёсий эркинлик ҳам кишиларнинг сиёсий-ғоявий қарашларида парокандаликка сабаб бўлди. Турли гуруҳлар, оқимлар пайдо бўлди. Эҳтиросларга жўш урди. Ғоявий қарама-қаршиликлар, кураш авж олиб кетди. Инсон ишончсиз, эътиқодсиз яшай олмайди. Эътиқодни эса болаликдан шакллантириш лозим.

Қишлоқларимизда ота-оналарнинг бир қисми фарзандларининг тарбияси учун диний-фалсафий дунёқарашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар. Бу йўлда дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Айрим ўқувчи ёшлар дарсдан кейин масжидларда диний таҳсил олаётирлар. Дин мутасаддилари уларга араб алифбоси, Ислом дини асосларидан сабоқ бераётирлар. Етарли диний-фалсафий билимга эга бўлган, маълумотли кишилардан таҳсил олаётган ёшлар маънавиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганлигига иқрор бўлиш керак. Ҳақиқатда, мухтасар Ислом тарихига назар ташлар эканмиз, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларининг ҳаёти, турмуш тарзини ўрганишнинг ўзи ёшлар тарбияси учун алоҳида ўрнак дир. Муқаддас Қуръони Карим оятлари ҳам, машҳур муҳандислар томонидан йиғилган Пайғамбаримиз ҳадислари ҳам инсонни эзгуликка чорлайди. Лекин бу улкан меросни чуқур таҳлил этувчи, асл моҳиятини кишилар онгига сингдирувчи, билимли дин пешволари ҳамма жойда ҳам етишавермайди.

Турғунлик йилларида фақат ҳокимият манфаатини кўзлаган ғоявий-сиёсий қарашларни тарғиб қилиш, бошқа ғояларга мухолифларча ёндашиш диний билимнинг саёзлашиб кетишига сабаб бўлди. Натижада кўп жойларда дин за шариатдан озгина хабардор кишилар ўз атрофларига «шогирдлар» тўплаб, уларга ўз билганларича «устозлик» қилаётганликлари сир эмас. Улардан айримлари ҳақиқий фан — Ислом дини, дунёвий фанлар эса кофирларники, деган нотўғри тушунча билан ёшларнинг дунёвий билимларни эгаллашларига тўғаноқ бўлмоқдалар. Ваҳоланки, пайғамбаримиз ҳадисларида: «Илм олмоқ ҳар бир мусулмонга фарздир» ёки «Илм истаб ўтказилган бир соат тун бўйи ибодат қилишдан, илм истаб ўтказилган бир кун уч ой рўза тутмоқдан яхшироқдир» дейилади. Диний-маънавий дунёқарашга эга бўлган Алишер Навоий, Бобур, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб алломалар ўзларининг илмий асарлари билан дунёвий фанлар тараққиётига буюк ҳисса қўшганликлари ҳаммага аёндир.

Айрим ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, афсуски, улар Ислом динини маънавий эътиқод деб эмас, балки ҳунар, ҳаёт кечиришнинг моддий манбаи, болаларнинг келажагини таъминловчи бир восита деб тушунишларининг гувоҳи бўламиз. Бунинг оқибатида шундай манзара ҳам кўзга ташланиб боряпти: ҳайит кунлари қабристонларни зиёрат қилар эканмиз, катта ёшдаги диндорлар қаторида ёш болаларнинг оятларни ёқимли овозда қироат билан тиловот қилаётганларини, зиёратчилар озми-кўпми «атаганларини» улар олдига ташлаётганларини, баъзи жойларда эҳсон қутиси ёнида турган масжид мутасаддилари хайр-эҳсонларни тап тортмай ўз чўнтакларига солаётганларини кўриш мумкин. Шариатда назр-ниёзлардан шахсий манфаат ёки ўлида фойдаланиш гуноҳ-ку, ахир.

Бола тарбиясида, бола эътиқодининг шаклланишида, ўз эътиқодига собитликда жамоатчилик таъсири, катта ёшдаги кишиларнинг шахсий намуналари муҳим аҳамиятга эга эканлиги равшан. Шундай экан, кечагина даҳрийликни тарғиб қилиб, Аллоҳ-таолога «тош отиб» юрган, амал курсисидан тушгач эса, художўй бўлиб қолган собиқ коммунист жамоат орасида тоат-ибодат қилиб, беш вақт намозни канда қилмай, ўрни келганда бирни иккига сотиб, халқни алдаётган савдо ходими ёки ёшлигида ичкиликдан бошини кўтармай, «Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб» юрган, кексайиб — соғлигига путур етганда эса, тақводорликни касб қилиб олган кимсалар ёшларга қандай ўрнак кўрсатишлари мумкин? Бу уларда: ёшликда истаганча гуноҳ қилиб, кексалик даврида тавба-тазарру қилиш мумкин экан-да, деган нотўғри тасаввурни ҳосил қилмайди деб ким айта олади?

Бизнингча, республика Халқ таълими вазирлиги билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси бола тарбияси, ёшларга оқилона, замон талабидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш борасида ҳамкорлик қилиши давр тақозосидир. Бу соҳадаги тарғиботни тўғри йўлга қўйиш учун қўлланмалар ишлаб чиқиш, жойларда мутасаддилар тайинлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари режасига мазкур соҳага тааллуқли мавзулар киритиш, мактабларда Ислом дини тарихини ва дин асосларини ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Албатта, юқорида айтилган фикрлар бугунги кун ёшлар тарбияси соҳасидаги мунозара учун бир даъват, холос. Тажрибали педагоглар, жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Зикрилла ШЕРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти Косон районидаги 51-ўрта мактаб директори.

УЙЧИНИНГ УЙИ БИТГУНЧА

Миллий мактаб қандай бўлиши, иқтидорли ёшларни тарбиялаш йўллари, якка тартибда ўқитиш усуллари ҳақида казо-казолар баҳсу мунозаралар, симпозиум яна қандайдир, «изм»лар ўтказиб юргунча Бағдод ноҳиясидаги «Ширин сув» кўптармоқли дўкон жамоаси бу масалани осонгина ҳал қилиб қўя қолди. Шу жамоа ходимлари фарзандлари Чуваланчи қишлоғидан 11 та ўқувчини тўплашиб, 40-ўрта мактабнинг олий тонфадаги ва собиқ шўролар иттифоқининг бир қанча мукофотлари эгаси бўлган муаллим Қодиржон Мастонов қўлига топширдилар. «Эти бизники, суяги — сизники» дейишмади, албатта. Фақат инглиз тилидан эркин гаплашадиган қилиб ўқитиб берсангиз, бас, дейишди. Хизмат ҳақи ҳам ёмон эмас. Ҳарқалай шўролар мактабида оладиганидан бир неча баробар ортиқроқ бўлди. Пулнинг бир қисми дўкон даромадидан. Бир қисми эса ота-оналарнинг чўнтагидан бўлди. Бу ишларнинг ташаббускори район матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси Алижон Мирзаевдир.

Фарзандларининг ҳар йилги туғилган кунлари ва сунат тўйларига, хорижий кийимларию шовқин-суронли радио, видиотехникаларига ҳотамтойлик билан пул ажратаётган «сахий» ота-оналар ҳам бундай савобли ишга қўл урганларида мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдевори янаям мустаҳкамрок, муаллимнинг чўнтаги тўлароқ бўлармиди?..

Муҳаммад СОДИҚ.

БИЛИМГОҲНИНГ ОЙДИН ТОНГЛАРИ

Тарбиячи — оддийгина сўз. Аммо бу сўз замирида теран маъно бор. Тарбиячилик касбини бўйнига олган киши, шубҳасиз, бола тарбиясидек юксак масъулиятни зиммасига олади. Бу касб эгалари ботиний маданиятли, зоҳирий меҳрибон ва саховатли бўлмоқликлари лозим. Шу ўринда тарбиячидек шарафли касб моҳирларини тайёрлаётган қутлуғ бир даргоҳнинг ички ишлари билан танишиш ва уни матбуот саҳифаларида ёритишдек фикр туғилди.

Бу қизиқиш мени Қарши шаҳридаги Й. Охунбобоев номли педагогика билим юртига бошлади. Бу масканнинг саркори вилоятда таниқли педагог Суяр Тошев экан.

—Сизлар билим юртини айланиб чиқсаларингиз. Унгача мен юмушимни битириб, кутиб тураман. Билим юртининг энг обрўли ўқитувчилари билан шу ерда, менинг хонамда бафуржа гаплашиб олсак, — деб таклиф киритди. Бу таклиф менга маъқул тушди. Билим юрти директори муовинлари Муҳтарама Ҳакимова, Эркин Кенжаев ҳамда журналист-педагог Норбўта Ғозиевлар менга ҳамроҳ бўлдилар.

Дастлаб билим юрти ҳовлисини кўздан кечирдик. Жисмоний тарбия майдонида бир гуруҳ ўсмирларни учратдик Ажабланганлигимни сезган Э. Кенжаев дарҳол изоҳ берди: улар жисмоний тарбия бўлимининг талабалари экан... Ўсмирлардан бу ердаги шарт-шароит тўғрисида сўрасам, «зўр», «яхши» — дейишиб, чувиллашиб тўпни ирғита кетишди.

«Ошхона» деб ёзиб қўйилган бинонинг ичкарисига кирдик. Оқ қалпоқли ошпаз йигит қўлидаги човлига лағмонни солиш билан банд эди. Овқат хиллари билан қизиқдим. Таомлар тури ҳам, сифати ҳам ёмон эмас. Талабалар имтиёзли равишда овқатланишар эмиш. Овқат еб ўтирган талабалардан ошхонада кўрсатилаётган хизмат хусусида сўрадим. Қизлар мамнун жавоб қайтаришди.

Шундан сўнг билим юрти тасвирий санъат ўқитувчиси Узоқ Боқиевнинг иш устахонасини кўрдик. Устахонада мойбўёқда ишланган портретлар, гравюралар ва бошқа мусаввирлик намуналари қатор қилиб териб қўйилган. А. Навоий, Моний, Зебуннисо ва Нодирабегим портретлари ҳам шулар жумласидандир. Узоқ Боқиев, 26 йилдирки, шу билим даргоҳида хизмат қиларкан. Мусаввирлик санъатига шайдо, фидойи бу киши, ўз билганларини талабаларга ўргатиш учун астойдил ҳаракат қилаётир.

— Истардимки, билим юртимизда таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчи қиз боғчаларга борганида, болакайларга кичиклигидаёқ тасвирий санъат тўғрисида тушунча берса — ўргатганларимни бошқаларга, жажжи инсонлар қалбига сингдирса, — дейди Узоқ ака.

Ҳамроҳларим билим юртининг ўқув биносига бошлашди. Кенг ва ёруғ аудиториялар талабалар билан гавжум. Барча зарур ўқув қуроллари бор. 30 дан ортик махсус фан хоналари мавжуд бўлиб, инвентарлар билан тўла жиҳозланган. Бу ерда ўқув, ўқитув ишларини яхшилаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дарслар ўқув режаси асосида ташкил этилган экан.

Мактабгача тарбия педагогикаси амалиёти хонасидаги ишлар билан мудира Гулнора Раҳимова таништирди.

— Бу ерда бўлажак тарбиячилар дарсДан бўш пайтларда келиб амалий-методик иш билан шуғулланишади, — деди у.

Руҳшуносликхонасида тажрибали педагог Ҳуррам Рустамовани учратдик. Танаффус пайти бўлишига қарамай, Ҳуррам опа столга мук тушганича хаёл уммонига ғарқ бўлганди. Опанинг бу ерда меҳнат қилаётганига 26 йилдан ошибди. Бу ҳазилакам вақт эмас. Демак, у ўтган йиллар мобайнида катта тажриба орттирган, билим юртига меҳнати синган.

Талабалар яшайдиган ётоқхоналарни ҳам айланиб чиқдик. Бу ерда жами 200 нафар қиз истиқомат қиларкан. Билим юрти талабалари эса кўпчиликни ташкил этади.

Ётоқхоналар етишмас эканда? — сўраймиз ҳамроҳларимиздан.

Талабаларимизнинг кўпчилиги Қарши шаҳри ва яқин атрофдаги ноҳиялардан қатнаб ўқийдилар. Умуман, гапнинг тўғрисини айтиш керак, ётоқхона учун бинолар етишмаяпти, — деди Э. Кенжаев.

— Буни ҳал қилиш учун чора-тадбирлар кўраётган бўлсантиз керак? — сўрадим яна.

Эркин ака билим юртига яқинроқ жойда яққол кўриниб турган кранга эътиборимни қаратди. Ростдан ҳам, у кўрсатган томонда қурилиш бўлаётган эди. Бу қурилиш 1993 йилда битишини алоҳида таъкидлади. 800 ўринли ётоқхона, 961 ўринли ўқув биноси, яна кутубхона, ошхона учунмўлжаллаб қурилмоқда, деди у қатъият билан.

Қарши шаҳрида ўқув даргоҳларининг бир нечасида бўлдим. Ётоқхоналарни кўздан кечирдим. Гапнинг тўғриси, ётоқхоналардаги шароит кўнгилдагидек эмасди.

Аммо билим юрти ётоқхоналари тўғрисида бундай деб бўлмайди. Бу ерда талабалар учун барча шароит яратилган. Кираверишдаги муҳташам зал эътиборимни тортди. Кўнглимни жиззилатган нарса — рўпарада портрети осиб қўйилган шоира Зебуннисонинг теран нигоҳи эди. Портрет Узоқ Боқиевнинг мўйқаламига мансуб экан.

Ётоқхонадаги хоналар озода, файзли. Қизлар ётоқхонаси эмасми, атроф-четга қараган кишининг баҳри-дили очилади. Орасталик кўзни қувонтиради.

Талабалар билан суҳбатлашдик.Улар бу ердаги шароитдан хурсанд эканликларини билдиришди. Аммо бутун шаҳарда бўлгани каби бу ерда ҳам сув тақчил экан.

— Ҳозирча аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришнинг иложи бўлмаяпти, — дейди Э. Кенжаев.

Директор хонасида билим юртини эътиборли бир гуруҳ ўқитувчилари билан суҳбатимиз қизиқарли бўлди. Домлалар гапидан билимгоҳ ҳақида янада кенгроқ билиб олдим.

— Билим юртимиз 65 йиллик тарихга эга. Ўтган йиллар мобайнида озмунча тарбиячини етказмадик. Вилоятимиз боғча-яслиларида меҳнат қилаётган тарбиячи қиз-жувонларнинг кўпчилиги бизнинг собиқ талабаларимиз. Ифтихор билан айтиш мумкинки, билим юртимиз жумҳуриятимиздаги энг яхши педагогика билим юртлари билан тенглашиши, ҳатто кўпчилиги биздан ўрганишлари мумкин, — дейди фахр билан Суяр Тошев.

Ўқитувчилар ўз кўнгилларидаги гапларни гапирдилар.

— Миллий ўқув юртлари ташкил этилиши лозим. Негадир бу ҳақда ҳозир ҳеч ким гапирмаяпти. Шунингдек, миллий ўқув юртлари учун миллий дарсликлар, миллий кўргазмалар бўлиши керак, — дейди Э. Кенжаев. Айрим ўқитувчилар эса, боғчаларда нуқул аёллар ишлаётганлигини, бу ишга эркакларни ҳам жалб этиш лозимлигини гапиришиб, эркаклар бор жойда интизом кучлироқ бўлади, деган фикрни билдиришди.

Билим юрти педагоглари билан узоқ суҳбатлашдик. Ўз касбининг қанчалик фидойиси эканлиги уларнинг жонли фикрларидан, ғояю таклифларидан, мулоҳазаю қизиқувчанликларидан сезилиб турарди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Дил суҳбати

Машраб БОБОЕВ:

«ТАРБИЯТ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛАДИ»



— «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилишича, «маърифат» дегани: «Кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия», экан. Машраб ака, Сиз шунга нима дейсиз?

— Менимча, «маърифат» тушунчаси — жараён эмас, моддий бўлмаса-да, мавжуд бир мулк. «Таълим-тарбия» тушунчасида эса жараён бор. Шунинг учун, гарчи таълим-тарбия билан маърифатли одамгина шуғулланиши лозим деб билсам-да, «таълим-тарбия» билан маъриф»ни бир қўйишнинг ўзи маърифатсизлик, деб ўйлайман. Бинобарин, «маърифат»нинг бундай ифодаланишига қаршиман. Лекин, Боқий дўстим, шу ерда Сизга бир таскин бермоқчиман. Шу пайтгача нашр этилган луғатларимиз Сизни асло ранжитмасин. «Русча-ўзбекча луғат»ни олинг. У аслида «Русча-ўзбекча луғат» эмас. «Рус тилининг ўзбек тилидаги изоҳли луғати» деб аталиши лозим эди. Бош луғатки шу аҳволда бўлганидан кейин бошқасидан нима кутса бўлади!

Луғатшунослар «маърифат» атамасини мана бу мисол билан тушунтирмоқчи бўлиниби: «Маърифат яхши нарса, Матқовул ака, у одамни кўзинигина очиб қолмай, бахтини ҳам очади» (М. Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча»). Албатта, бу мисолда бирорта Маърифат исмли қиз ҳақида гап кетмаяпти (лекин худди бир қиз тўғрисида гурунг кетаётганга ўхшайди: «кўз очиб кўргани», «бахти очилди» каби сўзлар, одатда, хотин-қизларга нисбатан кўпроқ ишлатилади), балки турдош от хусусида гапирилмоқда. Майли, биз ушбу мисолни батафсил таҳлил этиб ўтирмайлик-да, умуман «маърифат» деганда кўпроқ нимани ёки нималарни назарда тутмоқ зарур экани тўғрисида бош қотириб кўрсак...

«Маърифат» деганда кўпроқ нимани ёки нималарни назарда тутмоқ зарур экани тўғрисида «бош қотириб» кўрадиган бўлсак, менимча, энг аввало, халқимизнинг ўтмиши, тарихига мурожаат қилмоғимиз лозим бўлади.

Дунёни «ларзага солган», «Буюк Ўктабр» инқилобигача атиги уч фойизигина (?!) саводхон бўлган халқимизнинг маданияти, маърифати (унинг дунёга машҳур алломалари қиёфасида) бутун Ғарбнинг кўзини очди, маърифат берди. Агар Шарқнинг, жумладан, ўзбек халқининг ана шу алломалари бўлмаганида, уларнинг таълимоти бўлмаганида, Ғарб бугунги тараққиётга (цивилизацияга) эришган бўларми-ди? Афсуски, бугунги кунда биз улардан ана шу боболаримиз меросини садақа сифатида олиб ўтирибмиз. Агар «Буюк Ўктабр» инқилоби юз бермаганида, у бизни ўтмишимиздан бутунлай узиб ташламаганида, Сиз билан мен бу масалада мусоҳаба қилиб ўтирмаган бўлардик. Биз бугунги кунда аждодларимиз асрлар бўйи йиққан маърифат хазинасидан бебаҳра бўлиб, жоҳиллиги ва ёмонлиги билан, фақатгина «Буюк Ўктабр» инқилобидан «миннатдор» бўлишимиз керак.

Чалғиб кетдим, шекилли? Мен халқимизнинг «Буюк Ўктабр»гача бўлган тарихини тўлалигича маърифат деб атагим келади. Чунки, у пайтлари «Ильич» чироғи, радио, телевизор бўлмаса ҳам, костюм кийиб, галстук тақиб юрмасак ҳам, хивчин билан ўқитиладиган «эски мактаб»лардаёқ диний таълим (динга тупуриб не ҳолга тушганимизни кўриб турибсиз) олардик. Навоий, Фузулий, ҳатто форсзабон Бедил асарларидан руҳий тарбия кўрардик. «Саводсиз» одамларимиз кечалари йиғилиб, ароқхўрлик, қартабозлик ёки бошқа бузуқликлар ўрнига ё амри маъруф олишарди, ёки навоийхонлик, фузулийхонлик қилишарди.

Биласиз, бизда ҳозир «оқартув» деган ибора бор. «Маданий-оқартув», деймиз («культурно-просвети т е л ь ный»нинг айнан таржимаси). Бугунги кундаги маърифатни мен ана шу — «просветительний»нинг айнан таржимаси, яъни дарахтларни, биноларни оқартиришни англатадиган (яна луғатчиларга балли!) сўз, яъни «о қ а р т у в» сўзи билангина изоҳлай оламан. Лекин ноумидшайтон, дейдилар, мана, яхши кунлар келди, эҳтимолки, аста-секин оқартувдан ҳақиқий маърифатга ўта бошлармиз.

— Демак, «маърифат кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия». Маърифат бевосита ижтимоий заминга кўчирилса, у миллатнинг кўзини очади. Инчунун бизнинг адабиёт дарсликларимизда, «маърифатпарвар шоирлар халқни маданиятли бўлишга ундайдилар, холос, лекин инқилобга ундамайди», деб ёшларга «таълим» берилади. Майли, ҳозирча биз энг маданиятсиз халқларгина ўзининг ижтимоий муаммоларини ИНҚИЛОБ йўли билан ҳал этадилар, деган кўҳна ҳақиқатни билмаймиз, дея ўзимизни гўлликка солиб турайлик. Бироқ «маданиятли, кўзи очилган халқни» бахтли дейиш мумкинми? «Бахт» деганда мен сўз эркинлигини, инсон ҳақ-ҳуқуқини, озодликни, халқ бошқарувини назарда тутяпман. Яъни ижтимоий салмоқ билан ўлчанадиган мезонлар ҳақида мулоҳазаларингизни билмоқчиман.

— Кейинги пайтларда тушга ҳам кирмайдиган воқеалар содир бўлди. СССР деган истибдод салтанати йўқ бўлди. Ўзбекистон мустақил давлатга айланди. Етмиш тўрт йил давомида рўй берган жиноятлар (ҳа-ҳа, жиноятлар, хатолар эмас!) бугунги кунда аён бўлиб турибди ҳаммага. Суҳбатимизни Сизу менга ўхшаган «оқартирилган»ларгина эмас, асосан маърифатли ўқувчилар (мен барибир маърифатли, ҳақиқий маърифатли одамлар борлигига ишонаман, акс ҳолда дунё аллақачон тугаган бўларди) ўқишини ҳисобга олиб, саволларингизга тўла жавоб бериб ўтирмасам ҳам бўлади, деб ўйлайман. Шундай ҳам ҳамма нарса аён бўлиб қолди-ку.

— Машраб ака, биласизми, мен нима учун Сизни «маърифатпарвар шоир» демоқчиман? Бунинг сабаби шуки, ҳали мамлакатимиз «шаҳдам қадамлар билан коммунизм сари илгарилаб бораётган» турғунлик йилларида Сиз фаластинлик шоир Муин Бсисунинг «Таъриф қоғози» шеърий китобини таржима қилиб, Шўро фуқароси учун ошкора айтиш тақиқланган фикр-мулоҳазаларни («Ҳамма нарса сотиб бўлинди — Ватан, тил, дин ва ҳоказолар. Сотилмаган бир худо қолди!») таржима китобингизда ўзбек ўқувчисига тақдим этгансиз. Демак, Сизни ҳам ўша даврларда ҳеч иккиланмасдан «бадарғабоп» (диссидент) шоирлар рўйхатига қўшиб, «Хуш кўрдик!» деб Шўро Иттифоқи ҳудудидан хорижга кузатиб қолиш мумкин эди-ю, аммо маъмурият негадир бундай қилмаган. Нега? Ваҳоланки, ўзларини ақлли кўрсатмоқчи бўлганлари туфайли («Биз ҳам тушунамиз, бу китобни Машраб Бобоев эмас, фаластинлик Муин Бсису ёзган: Ясир Арофат эса Шўро Иттифоқининг дўсти, унга Леонид Ильич орден берган») ҳам Сиз уларни калака қилгансиз! Нотўғрими? Энди тан олаверинг, тонманг!

— Шаънимга айтган яхши гапларингиз учун раҳмат (ҳарҳолда гапларингизга мақтов деб тушундим). Яхши гап кимга ёқмайди?

Тўғри, биз — турғунлик замонида у-бу нарсаларни ёзиб юрган авлод—ана шундай найрангларга ўрганганмиз. Бошқа иложи йўқ эди. Энди айтсам, ҳатто бир шеъримни таржима деб, дуч келган бир чет элликнинг фамилиясини қўйиб чиқарганман. Эрк, Ватандан улуғ бахт, давлат йўқ, деган фикрни ифода қиладиган шеърни «Лўли қўшиғи» деб атаб «А. С. Пушкинга» деб қўйганман. (Бир нарса дейишса, А. С. Пушкиннинг «Лўлилар» асарига суянаман, деган мақсадда.) Ўша пайтларда «эрк» сўзи «ўлим» сўзи билан тенг эди. Шунинг учун «Эрк дегани ўлимдир, дўстим!» сатри билан тугайдиган шеъримни юрагимга хитобан айтган бўлиб, тагига «биологик шеър» деб қўйган эдим.

Хуллас, гап кўп. Бевосита Муин Бсисуга келсак, унинг бутун ижоди — биз айтадиган гаплардан иборат. Шунинг учун ҳам таржима қилганман. Китоб чиқди. Лекин Сиз бошқа нарсани билмайсиз. Ўшанда, 1977 йили китобдан бир қанча шеърни телевиденіега олиб бордим. Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятининг бош муҳаррири (номини айтмайман, чунки у киши бугун ўта масъулиятли лавозимда) рухсат берди. «Бўстон» деган тележурнал бўларди. Ўшанга ёздик. Ўзим ўқидим, артистлар ўқиди. Бсису — журналнинг иккинчи саҳифасида эди. Биринчи саҳифада Абдулла Қаҳҳорнинг етмиш йиллиги муносабати билан адибнинг ўзи ўқиган «Ўтмишдан эртаклар»нинг бир боби ёзилган эди. Кўрсатув кунини кута бошладим. Юрагим така-пука. Чунки, «...кишанланди қўллар, тамғаланди диллар... Розимисиз? Розимисиз?» деган сатрлар ҳар қандай одамни (ёки раҳбарни) сергаклантириб қўйиши мумкин. Ниҳоят, кўрсатув бошланди. Ўзингиз биласиз, ҳар қандай мунтазам кўрсатув ёки журналнинг алоҳида тайёрланган «муқова»си (заставка дейилади) бўлади. Аммо бу гал диктор чиқди-да, «Бўстон» журнали эфирда эканлигини айтиб, «Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ўз шеърларини ўқийди. деб эълон қилди. Тамом бўлдим! Абдулла Қаҳҳорки ўтмаган экан, Муин Бсису ўтадими! Аммо Уйғундан кейин Бсису тўла кетди!...

Яна бир нарса эсимга тушиб қолди. «Ирода» видеофильми тайёр бўлгач, нима учундир уни Марказқўмнинг одамлари келиб кўрадиган бўлишди. Келишди ҳам. Тарғибот-ташвиқот бўлими мудирининг биринчи ўринбосари — ўша пайтдаги Уюшмамиз раиси. Асар эр-хотиннинг ажралишидан бошланарди. Яъни, олдин хотин колхозда раис, эр унинг шофёри бўлган (асар бошлангунига қадар). Хотин райкомга биринчи котиб бўлиб сайланади. Пленумдан қайтиб келса, эр нарсаларини йиғиштириб ўтирибди. Раислигингда шофёр эдим, майли, энди райком котибининг эри бўлолмайман, дейди. Улар бир-бирини жуда яхши кўришади, шунинг учун яхшиликча ажралмоқчи бўлади эр. (Бу ерда шумлик келди. Марказкомда яна бир хоним ишларди. Адабиётга «раҳбарлик» қиларди. Жуда яхши, ширинсухан, мусулмон аёл, аммо Марказкомда ўзидан жуда йироқ бўлган адабиётга раҳбар бўлиб эмас, боғчага мудира бўлиб ишласа, ҳамма ютадиган аёл эди. Опанинг эри ҳам хотини туфайли анча кўзга кўриниб қолди. Кел, дедим, шу ширин онлани ёза қолай. Ёздим. Сезиб қолишади, деб қўрқиб турибман. Йўқ, сезишмади. Хуллас, асар бошидаги биринчи кўриниш қайтадан ёзилиб, қайтадан суратга олинди. Видеофильм Съездга бағишланиб (Кўрдингизми! Биз ҳам оқартирилганмиз — съездларга «бағишлаб» асарлар ёзамиз!) намойиш қилинди. Кейин бир неча марта такрорланди ҳам. Аммо ўзим ўша биринчи саҳнани кўролмайман... Шунақа чучмалки!.. Одамлардан уяламан... Орадан бироз ўтгач, бир танишим — у киши ҳам арбоб эдилар раҳматлик, ўзимдан: «Машраб, фалончини (яъни ўша опани) кимдир спектакль қилган эмишми?» деб сўраб қолса бўладими! «Билмадим, кўрмабман», деб қўя қолдим. Ана сизга менинг яна битта «айб»им, у «посбон»ларнинг яна бир «қош қўйиши!»

— Ўтган йили жумҳуриятимиз комсомол ташкилотининг ташаббуси билан бошланган «Гўзаллик кўриги»га қарши «Муштум» мажалласида «уруш» эълон қилдингиз. Мана, энди «ташаббуснинг қаноти» қирқилибди— ўшанақа кўриклар ўтказилмаяпти, ўтказилса ҳам, имижимида ўтказиляпти. Лекин дунёдаги номусулмон мамлакатларида ҳар йили «Гўзаллик кўриги» бўлади: бу ўйиннинг фойда-зиёнини билмадим-у, аммо эллик яшар машҳур тўптепар Пеле йигирма яшар Бразилия гўзалига уйланиб олди, азамат! Хўш, мен ҳам элликка кирганимда, йигирма яшар (сал қари қизроқ бўлиб қолади-ю. ҳай, майли, чидаш мумкин!) Ўзбекистон Т. Шохбердиевнинг «Жон олғувчи муҳаббат» ҳужжатли фильмини хаёлингизга келтирманг. Эсингиздами: «унда ҳам яхши, аҳил оила, эр — адиб, учта фарзандлари бор, хотин эса — фоҳиша... Адиб, суйган эр ҳатто, мижозлари алдаб кетмасин деб, хотинини қўриқлаб юради... Бу ерда бутунлай бошқача—ҳалол, покиза оила...) Хуллас, Марказкомдан келган хоним—биринчи ўринбосар айтдики, бу — мутлақо нотўғри. Ҳаётни бузиб талқин қилиш! «Биз бировни ишга тайинлашдан олдин оилавий аҳволини обдон ўрганамиз!» (Пленумда «сайланди», дейилади, аммо Марказком ходимаси сирни очиб қўяяпти, кўрдингизми!) Шу ерини бошқатдан қиласиз, деди. Хуллас, асар ўтмади. Уюшмамиз раҳбари мутлақо аралашмади. Ваҳоланки, «арбоб»га тушунтириш — унинг хизмат вазифаси эди. Менинг аллақандай ўткинчи хонимнинг (чунки, мана, бугун мен борман, аммо у хонимнинг қаерда, кимларга «ақл ўргатиб» юрганини ҳеч ким билмайди) гапи билан асарни ўзгартиришга тоқатим йўқ эди. Чиқиб кетаётган эдим, режиссёр маҳкам ёпишиб олди: бир амалла, деб. У киши жуда қадрдон одамим, у қилдим—бу қилдим— қутулолмагач, кўрармиз, дедим. Ўйда хаёлимга бир гўзалига уйланмоқчи бўлсам, йигирма-ўттиз милён аҳоли яшайдиган мамлакат хонадонларига бирма-бир совчи-айғоқчи юборишим лозимми? Балки, жумҳуриятимизда ўша маъракани «Қиз танлов» кўриги тарзида ўтказиш мумкиндир? Ёки Сиз қиз боланинг саҳнага чиқишига бутунлай, тиш-тирноғингизгача қаршимисиз? Ундоқ бўлса, ўзингизнинг драмаларингиздаги хотин-қизлар тимсолини томошахонада кимлар ижро этишади? Янглишмасам. «Ирода» теледрамангизда бош қаҳрамон ҳам аёл киши эди-ку!

— Мен қиз боланинг саҳнага чиқишига мутлақо қарши эмасман (гарчи ўша машҳур «Гўзаллар кўриги» ташкилотчилари телевизор экранидан туриб мени «халқимиздан Мукаррам Турғунбоевалар чиқишига қарши», деб эълон қилган бўлсалар ҳам. Бу— уларнинг виждонига ҳавола), истеъдодли санъаткор қизларимизга доимо чапак чалиб келганман, бундан кейин ҳам чапак чаламан.

Аммо ўзбек аёлининг оғир тақдири... бу тўғрида гапириш ниҳоятда оғир. Қишлоқ қизлари ўн ёшга тўлиб-тўлмай нафақат ёшларига, балки ўғил болаларга зид тарзда оғир меҳнатга мубтало бўлишади. Шаҳар аёлларига ҳам осон эмас. «Буюк» инқилобдан олдин ўзбек аёли доим эъзозда бўлиб келган. Ўзбекни феодал, хотинини ерга уради, деганларга доим: «Абдулла Қодирийни ўқинглар», деб келганман. Мустақил давлатга айланганимиз зора аёлларимизнинг ҳам илгариги эъзозини қайтарса. Мустақиллик туфайли туғилган умидлардан бири, асосийси ҳам мана шу.

Ўзбек аёлидай гўзал аёл бўлмаса керак дунёда (бошқа миллатнинг барча эркагу аёли кечирсин мени!). Аммо мен уларнинг гўзаллигидан завқ олиш ўрнига (қизалоқлардан ташқари, албатта, уларнинг тақдири оналариникидан яхши бўлсин илойим!) ачинаман. Қишлоқда оғир меҳнат, бола боқиш ташвишидан бўлак нарсани билмай, ўттизга кирмасдан кампир бўлиб қолаётган, умр бўйи аёллигини ҳис қилмасдан ўтиб кетаётган аёлларга, ўн ёшга кираркирмас кетмон чопадиган қизларга, шаҳарда икки қўлида зилдай халта (ҳозир анча енгиллашди) кўтариб, бола етаклаганча елиб юрадиган аёлларга, айниқса, раҳбар аёлларга ачинаман. Раҳбарлик осонку, нега уларга ачинасиз, деб ажабланаётгандирсиз? Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам жисмонан қийналаётган аёллар, барибир, оила, бола-чақа ташвишида бўлади. Кечқурун оиладаги бир пиёла чой, бир коса ёвғон шўрва, болаларнинг қий-чуви барча қийинчиликларни унуттириб юборади. Бечора раҳбар аёллар эса кўпинча дунёнинг мана шу аёлга, онага хос бахтидан жудо—вақтида уйида, бола-чақасининг олдида бўлолмайди, уларга меҳр бериб, ўзи уларнинг меҳридан баҳраманд бўлолмайди. Бу — аёл учун энг катта фожиа.

— Сиз ўзбекчага таржима қилган америкалик арман муҳожири Уильям Сароянинг битта ҳикояси «Америка элига, арман тупроғига ва арман тилига» бағишланган эди. Ўша машҳур ёзувчи ўлимидан олдин ҳоки-туробини Арманистонга элтиб дафн этишни васият қилган экан. Сизнингча, Ватанга ёзувчининг ўлиги керакми ёки тиригими, балки асари керакдир? Умуман, ёзувчи ва унинг фуқаролик бурчи деган тушунчага қандай қарайсиз? (Эсингизда бўлса, куни кеча ҳам ёзувчининг фуқаролик бурчи деганда фирқа ғояларини, мустамлакачилик сиёсатини, пахтани, гўнг ташувчиларни мадҳ этиш тушунтириларди, тушуниларди. XIX асрда яшаган фаранги ёзувчиси Г. Флобер бўлса: «Мен бадавий (биздаги «лўли» дегандек бир гап: изоҳ меники — Н. Б.) бўлишга доим тайёрман, лекин икки дунёда ҳам фуқаро бўлмайман! Уюшмаларни, гуруҳларни, фирқаларни кўргани кўзим йўқ!» деган экан.

— Албатта, юртга ёзувчи, энг аввало, тирик ҳолида керак. Бу саволингиз яна «буюк» инқилобнинг «шонли» давр энди ибрат бўлар. Сароянинг бағишловидаги «Америка элига...» деган ибора жуда эътиборга лойиқ. Ўз тупроғини; тилини бир умр унутмаган, ҳатто хокини она тупроғига элтиб дафн этишни васият қилган ёзувчи истиқомат қилган юртининг ҳам иззатини жойига қўйган, бунинг устига — биринчи бўлиб тилга олган. Бу бизнинг «Бир кун туз еган жойга минг марта қуллуқ қил» деган мақолимизга жуда мос.

Ёзувчининг мардумлик бурчи — жуда оддий, қўлидан келганча, иқтидори даражасида халқига, юртига хизмат қилиш эмасми? Ҳарҳолда ҳар хил баёнотлардан кичкинагина бўлса-да амалий иш яхши. Мен ҳам Флобер тарафдаман, аммо унинг мардум бўлмайман, деган фикрига қўшилмайман. XIX асрда наҳотки фирқалар биздагидай ёвузлик қилган бўлишса?

— Машраб ака, Сиз билан суҳбатлашиб ўтириб бир нарсани англадимки, маърифатни «хаёл» дейиш мумкин экан. Айтинг-чи, хаёл қачон чечак бўлади? Ёки маърифат абадулабад хаёлга қўл бўлиб қолаверадими? Балки, маърифатни уруғ дейиш, уни тухумга қиёслаш жоиздир? Шунда унинг чечак бўлишига умид боғлаш мумкин бўлармиди? Бироқ моддиюнчилар қанчалик дод-вой қилмасинлар, барибир ҳамма нарса, аввало, хаёлда яратиладику? Демоқчиманки, хаёл барибир чечак бўлади. Лекин қачон?

Маърифат шу пайтгача хаёл бўлиб келган бўлиши мумкин. Мен ҳам бугунги кунда моддиюнчига айланиб, уни уруғ дейишга мойилман. Чунки замон ўзгарди. Биздаги маърифатнинг яхши, сифатли, серҳосил заминги бор. Орадаги узоқ йиллик тош қатламни олиб ташлаб, уруғни ҳақиқий заминга ташласак, ҳосил ёмон бўлмаса керак. Аммо ўша тош қатламни олиб ташлашнинг ўзи осон эмаслигини, ҳали қанчалар машаққат чекишимиз лозимлигини унутмаслигимиз, бинобарин, машаққатли меҳнатга шай бўлишимиз керак.

Серҳосил заминга тушган маърифат уруғини буюк Навоий бобомизнинг каломлари билан дуо қилайлик:

Умрунг қуёшиға бермасун чарх завол,
Жонинг қамарини қилмасун давр ҳилол.
Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳрхисол,
Даҳр аҳлиға нурбахшу фарҳунда жамол.

— Машраб ака, бамаъни суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош Набижон БОҚИЙ.

Хотира

ЯХШИЛИКНИ ЭЛ ҚАДРЛАР

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, эл-юртни ўйлаган фидойи кишилар ўзларидан шундай ўчмас излар қолдирадиларки, уларни замондошлари ҳам, авлодлар ҳам фахр билан ёдга оладилар, номларини абадийлаштирадилар. Моҳир педагог, ажойиб маориф ташкилотчиси, талабчан устоз ва меҳрибон мураббий Муҳаббат Назарова ҳам ана шундай эл эъзозига лойиқ кишилардан эди. У йигирма йилдан ортиқ Тошкентнинг Киров (ҳозирги Юнусобод) районида меҳнат қилиб, оддий ўқитувчиликдан район халқ таълими бўлими мудирлигигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

Дастлаб Муҳаббат Назарова 70-мактабда ўқитувчи, сўнг директорлик лавозимларида ишлади. Сергайрат ва ташкилотчи аёл билим масканига раҳбарлик қиларкан, аввало, педагогик жамоанинг ижодий ишлашига, мактаб ўқув-техника базасини мустаҳкамлашга эътиборни қаратди. Жамоа унн қўллаб-қувватлаши туфайли билим масканида техника воситалари билан жиҳозланган хоналар, устахоналар вужудга келди. Мактаб райондагина эмас, балки пойтахтда ҳам илғор билим маскани сифатида тилга тушди.

Муҳаббат Назаровадаги педагогик маҳорат ва маориф ишининг моҳир ташкилотчиси сифатлари унинг район халқ таълими бўлимига мудирлик қилган даврларида янада ёрқин намоён бўлди. Районда бир қатор намунали янги боғча ва мактаблар қурилганлиги, ёш авлодга таълим беришда янгиланиш йўлидан борилганлиги каби далиллар фикримизнинг исботидир. Афсуски, катта ташкилотчилик фаолияти билан шуғулланаётган Муҳаббат Назаровани бевақт ўлим шу йилнинг баҳорида ўз касбдошлари сафидан жудо қилди.

Яхши ишлар инсоннинг номини абадийлаштиради, албатта. Шу важдан 70-мактаб жамоаси ҳам бу билим масканига моҳир педагог-раҳбарнинг номини беришга аҳд қилди. Куни-кеча ана шу эъзозлашга бағишланган ўқитувчилар, ота-оналар, маорифчиларнинг йиғини бўлиб ўтди.

Йиғилишни район ҳокими Рустам Калонов кириш сўзи билан очаркан, Муҳаббат Назарованинг фидойиликлари, ташкилотчилиги, эл-юрт иши учун жонкуярлиги тўғрисида сўзлади ва педагогларнинг унинг номини мактабга бериш тўғрисидаги таклифини район ҳокимияти қўллаб-қувватлаганлигини қайд этди.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори Қодир Фозилхўжаев Муҳаббат Назарованинг таълим соҳасига қўшган ҳиссаси, ўқитишнинг янгича усулларини жорий қилишда кўрсатган жонкуярлиги, ёш ўқитувчиларга ғамхўрлиги, илғор тажрибаларни оммалаштиришдаги изланишлари хусусида сўзлади.

— Муҳаббат Назарова мактабларнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашнинг ажойиб жонкуярларидан эди, — деди йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов. — Унинг бевосита раҳбарлигида Юнусобод районидаги бир қатор билим ва тарбия масканлари замонавий қилиб қурилди, болалар уйи қайта таъмирланди, мактабларда мукаммал жиҳозланган фан кабинетлари ва устахоналар вужудга келди, билим масканларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Буларнинг барча-барчаси районда ўқув-тарбия ишларининг яхшиланишига катта замин яратди.

Моҳир педагог, жонкуяр ташкилотчи Муҳаббат Назарованинг номини абадийлаштиришга бағишланган йиғилишда унинг касбдош дўстлари, ота-оналар, шогирдлари, ўқувчилар ҳам сўзга чиқишди. Нотиқлар яхшиликдан из қолдирган кишининг номи абадийлаштиришга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

М. ҚУЧҚОРОВ.

Суратда: М. Назарова (чапдан иккинчи) ҳамкасблари даврасида. (Архив сурат).

Қутлаймиз!

Азиз волидаи муҳтарамамиз, қадрдонимиз
ЖАМИЛА БАҚОЕВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Келажак авлодни тарбиялашдек машаққатли ҳамда мазмунли меҳнатингизга барака. Яратгандан доимо Сизнинг хушчаҳчаҳ, соғ-саломат ёнимизда бўлишингизни тилаб тургувчи дилбандларингиз Шаҳло, Жамшиджон ва оила аҳлингиз.

Қутлаймиз!

Шогирдининг камолини кўриш ҳар бир инсон учун катта бахт деб ўйлайман. Унинг тўю тантаналарида ўтирмоқ, ютуқларидан фахрланмоқни орзу қилмайдиганлар бўлмаса керак. Бугун мендан бахтиёрроқ одам оламда йўқ.

Қадрли Нажмиддин Парпиев! Сизни, 40 йилдан бери ёш авлодни тарбиялаётган азиз шогирдимни 60 ёшингиз билан муборакбод қилиб турибман. Шу йиллар давомида ўқитувчи, мактаб директори ва Янгийўл район халқ маорифи бўлими ходими сифатида фаолият кўрсатдингиз. Фидойи меҳнатингиз муносиб тақдирланди. Қатор фахрий ёрлиқлар. Ўзбекистон маорифи аълочиси нишони бунинг далилидир. Етти фарзанднинг отаси, 18 набирانинг бобоси бўлдингиз. Касбингизни давом эттираётган қизингиз Маъфурахонни ҳам ота йўлидан бориб, Сиздай шуҳрат қозонишига тилакдошман. Шу қутлуғ айёмда оила аъзоларингиз ёнида туриб Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт тилаб қоламан.

Обид РАСУЛ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шоир

Шарқ тарихи

Сардор МАҲМУД

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Саккиз йил (962—970) давом этган олишувдан кейин уларни сулҳ сўрашга мажбур қилди. Шу даврда фотимийлар билан ҳам уруш давом этаётган бўлиб, ал-Ҳакам унда муваффақият қозонди. 973-йили фотимийларни Марокашдан қувиб чиқариб, ал-Мағрибда улар тазйиқига барҳам берди. Шундан кейин фотимийлар Мисрда ўрнашиб қолдилар.

Ҳожиблар. Ал-Ҳакамнинг умри кисқа бўлди. Унинг кетидан ёш ўғли ҳамда гўзал ва истеъдодли шоҳбону — Шимолий Испаниянинг собиқ маликаси қолди. У муваққат подшо бўлиб, қобилиятли маъмур излашга тушганида, буюк истеъдод соҳиби Муҳаммад ибн Аби Амир қиёфасида шундай кишини топгандай бўлди. Унинг қобилияти шундай юксак лавозимга мос эди. Малика Аби Амирни ўзига давлат маслаҳатчиси қилиб тайинлади, сўнгра у бош маслаҳатчи ҳам бўлиб олди, ўзига Ҳожиб (қирол саройи бошқарувчиси) номини муносиб билди. Тобора кўпроқ ишларни ўз қўлига ола борган Ҳожиб қисқа муддат ичида якка ҳокимга айланди. Шу мавқеда у 30 йил мобайнида мусулмонлар Испаниясини бошқарди. Халқ ҳурматини қозониш учун донишманд кишиларга, илоҳият олимлари ва шоирларга саҳийлик кўрсатиб турди. Бироқ у калтафаҳм уламолар таъсири остида кечириб бўлмас бир хатога йўл қўйди: ал-Ҳакам шу қадар катта чиқимлар ҳисобига тўплаган барча фалсафий китобларни ўтда ёндиришга амр берди.

Ҳожиб — босқинчи. Ҳожиб фаолиятининг бу жиҳати у қадар мароқли бўлмаслиги мумкин, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. У ислом иши учун буюк курашчи эди. Албатта бундай таъриф бир қадар ишончсиз туюлади. Чунки Ислом тарихида мужоҳидлар ва бошқа йирикрок фидокорлар ҳам бўлган. У ҳарбий кучларни ошириб, шимолий чегараларга ҳужумлар уюштира бошлаган насроний шаҳзодаларга қарши йўллади. 987 йили Заморани эгалаб, 985 йили Барселонани вайронага айлантирди, 988 йили Леон қироллигининг пойтахти Леон шаҳрини қамал қилди. Уни қўлга киритгач, ер билан яксон қилиб, Қурдоба халифалиги таркибига қўшиб олди. Юришлар натижасида Галиция ва Австриянинг олис шимоли-ғарбий вилоятларини ишғол қилди. Шимолдаги насроний шаҳзодаларига қарши 50 та ғазовот уруши олиб борган ҳам худди шу Ҳожиб эди. 1002 йили у насроний лларга қарши жангда сўнгги дамигача қўлида қилич билан курашиб ҳалок бўлди.

Ҳожиб ал-Мансур Ворислари. Ал-Мансур (Музаффар) номини олган Ҳожиб ҳам ғоят истеъдодли маъмур эди. Ақлий тазйиқ ва қувғинлар масаласида у анча эски ақидалар тарафдори бўлса-да, амалий ишларда фавқулодда қобилиятни намоён қила биларди. Насронийлар дунёсига даҳшат солган унинг ўлими бутун жанубий Оврупода тантана қилинди. Ҳожиб девонхонасида бош маслаҳатчи ёки бош вазир қилиб дастлаб ўз ўғли Абдул Маликни, сўнгра иккинчи ўғли Абдураҳмонни тайинлади. Лекин уларнинг отаси даражасида истеъдодли эмасликлари равшан бўлиб қолди. Абдураҳмон қўзғолон пайтида Қурдоба аҳолиси қўлидан ўлим топди. Абдураҳмон III тансоқчилар гуруҳини ташкил этганлиги ўша қўзғолон билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай урф кейинчалик мустаҳкам ўрнашиб, бутун мусулмон тарихи давомида хизмат қилиб келди. Ҳамма жойда тансоқчилар барча ишларга қодир кишилар сифатида донг таратиб, ҳукмдорларнинг заифлиги ёки қудрати уларга боғлиқ бўлиб қолди. Бунинг оқибати аббосийлар даврида ҳам, турклар, аюбийлар ёки Ҳиндистон султонлари даврида ҳам аянчли бўлди. Обрўли исломшунос тарихчиларнинг тасдиқлашларича, Испанияда ифвогарликлар ва сиёсий қаллоблик даври бошланган эди. Ҳокимият маълум муддатга авлодлари Ҳазрат Алидан бошланганлигига даъво қилувчи ва 30 йилга яқин ҳукмронликни қўлдан бермаган ҳомудийларга ўтди. Пайти келиб, улар ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум бўлдилар. Шундан кейин Давлат Кенгаши ҳукуматга бош бўлди. Испаниядаги умавийлар халифалиги оралиқ қироллиқларига бўлиниб кетди. Улардан энг муҳимларини тилга олиш мақсадга мувофиқдир.

Севилья Қироллиги — Ал-Мутамид (1068—1091 йиллар). Қиролликлар ичида энг муҳими Севилья қозиси асос солган ҳокимият бўлди. Ал-Мутамид мазкур сулоланинг ғоят машҳур ҳокимларидан эдики, у ажойиб ёзувчи ибн Ҳоллиқон мақтовига сазовор бўлган. Ал-Мутамид кучли шахс, қаттиққўл ҳукмдор эди; у ўз қироллиги сарҳадларини кенгайтирди, давлат ишларининг барчасини тартибга солди, илмни рағбатлантириб, шоир ва рассомларга раҳнамолик қилди. Унинг ўзи ҳам таниқли шоир эди, достонлари ҳали ҳануз ўқиб келинади. Умри охирлаб қолаёзганда йўл қўйилган хатоси уни қироллиқдан маҳрум қилди: қўшни мусулмон қироллиқларига қарши Галиция қироли Альфонсс VI билан иттифоқ тузди. Унга ўзларини кейинчалик муробийлар деб номланган барбар мусулмонлари қўзғолонига қарши курашишга тўғри келди. Ана шу воқеалар сабабли ҳамма нарсасидан ажради: кўзи ожиз бўлиб қолгани устига ғолиб муробийлар томонидан бадарға ҳам қилинди.

Барбарларнинг ал-Мағрибдаги кўтарилиши. Муробийлар тўғрисида сўз очишдан олдин бироз орқага қайтиб, ал-Мағрибда қандай воқеа юз берганлиги ҳақида ҳикоя қилиш зарур. Зеро, муробийлар ва муваҳҳийлардан ташкил топган барбарлар бўлинмалари айни шу жойда, Испанияда устунликка эришиш учун у ерда навбатдаги икки юз йил мобайнида ҳукмронлик қилиш учун оёққа турган эдилар. Шундан кўп ўтмай Алининг Ғарбдаги энг қатъиятли ва истеъдодли халифаларидан бири — Имом Хасаннинг невараси ҳокимият тепасига келди. У Мадинада аббосийларга қарши жангда мағлубиятга учрагач, кейинги қирғинликлардан қочиб ал-Мағрибга кўчиб кетади. Унга бир нечта маслакдошлари ҳамроҳ бўлди ва у Аббос уруғига қарши курашда Али авлодига мансублигидан фойдаланиб иш кўрди. Ал-Мағрибда хайрихоҳлик топиб, у ерда шиалар қироллигига асос солди. Унинг авлодлари шу минтақада қарийб икки юз йил ҳукм сурдилар. Али ворислари ҳосил қилган дастлабки сулола шу бўлди.

Аълобийлар [800-909]. Умавийлар Испанияда ҳукмронлик қилган даврда мусулмонларнинг яна бир сулоласи Шимолий Африқода жойлашган эди. Сулолага халифа Ҳорун ар-Рашид томонидан Ифриқияда тартиб ўрнатишга юборилган додҳо Иброҳим ибн ал-Аълоб асос солганди. Бу истеъдодли киши Кайравонда қарор топгач, бутун минтақани (Жазоирнинг ярмини, Тунис, Киренаика ва Нумидияни) ўз ҳокимиятига тобе қилиб, ҳокими мутлақ сифатида ҳукм сура бошлади. Авлодлари серғайрат ва дадил кишилар бўлганлиги туфайли уларнинг қироллиги ҳам денгиз соҳилидаги қудратли давлатга айланди. Қироллиқнинг ҳарбий-денгиз кучлари Ўрта ер денгизи ороллариига ва Оврупонинг жанубий соҳилларига юришлар қилиб турарди. Аълобийлар 902 йилда Сицилияни эгаллаганликларидан кейин ундан ҳарбий-денгиз таянчи сифатида фойдаланиб, жанубда Мальтани ва шимолда Сардинияни қўлга киритдилар. Улар мусулмонларнинг қироллиги билан дўстона муносабатлар ўрнатиш орқали аълобийлар, Сицилия ва арабларга тегишли Критнинг бирлашган денгиз кучлари билан Юнонистонга ҳужум қилдилар. Аълобийлар Сицилияни араблаштириб, у ерда ажиб сицилия-араб маданиятига пойдевор қўйдиларки, бу маданият уч юз йил давомида, ҳатто араблар 1100 йилда Сицилиядан қувғин қилинганларидан кейин ҳам гуллаб-яшнайверди. Зиёдатуллоҳ исмли аълобий Кайравонда улкан жоме масжиди қурди, у ҳозир ҳам чирой очиб турибди. Бироқ масжиднинг таркибий қисми сифатида тақаб бунёд этилган йирик мадраса сақланмаган.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

АЖОЙИБ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

АМЕРИКАЛИКЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистонга олтин қазиб чиқаришда америкаликлар ёрдам бераднлар. Республиканинг энг йирик Мурунтов олтин конида «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси таклиф этган технологиядан фойдаланилади.

Лойиҳани амалга ошириш учун ўзбек-америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Зарафшон яқинида — Қизилқум саҳроси марказидаги Мурунтов олтин конида ишлаб чиқаришни янги технология асосида ташкил этиш Ўзбекистонни олтин ишлаб чиқаришда жаҳондаги ўн етакчи давлатдан бири бўлиб қолишига имкон беради.

НИКЕЛЛИ ТАҚИНЧОҚЛАР СОҒЛИҚҚА ЗАРАР

Австралияда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги тақинчоқлар ясашда никелдан фойдаланишни ман этди.

Мутахассислар хулосасига кўра, никель узоқ муддат даволаш зарур бўлган тери аллергияси хасталигини қўзғар экан. Жўн ва бежирим никелли қотишмадан ясалган тақинчоқларга ўч мактаб ўқувчилари текширишдан ўтказилгач, уларнинг 15 фоизи тери касалликларига чалиниши, кўпчиликнинг асаб ва қон айланиш аъзолари яхши ишламаслиги аниқланган.

ЭНГ ТЕЗ ЎТКАЗГИЧ

Осака университети қошидаги фан ва саноат тадқиқотлари институти олимлари тезўтказгичлар тадқиқотчилиги соҳасида янги одим қўйдилар. Профессорлар Томодзи Каван ва Ситно Каван раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи шундай тажрибани муваффақиятли ўтказдиларки, бу тажриба вақтида Цельсий шкаласи бўйича 103,5 даража совуқда тезўтказгич самараси қайд этилди.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар олимлари ҳозир жуда юқори ҳароратда амалда деярлик қаршилиги бўлмайдиган материалларни фаол изламоқдалар. Бироқ улардан фақат осакалик япон олимларигина тезўтказгич даража чегарасини Цельсий шкаласи бўйича минус 148 дан минус 103 гача келтира олдилар.

Япон олимларининг фикрича, жаҳон аҳамиятига молик бу кашфиёт туфайли келажакда электр музлатгич камераларда самарали тезўтказкичдан фойдаланиш имкони яралади. Ҳозир эса бунинг учун суюқ азотдан фойдаланиш ҳисобига зарур миқдорда совуқ ҳосил қилишни таъминлайдиган мураккаб ускуна талаб этилади.

Нафосат бўстони

ХАЛҚ ҲОФИЗИ

Қалб нидосининг фарёд чекиб бешафқат ўрлаши замона зайли, турмушнинг аччиқ ва адолатсизлиги билан боғлиқдир, десам муболаға эмас. Бу ўрлашлар дарду исёнкорлик фарёдларидагина эмас, балки ўз қиёфасини сизот сувларидек қаърида бир умр сир тутилган ҳолда мунгли, ингроқли қўринишда ҳам намоён этиши мумкин. Фуқаро қалбида ёруғлик кўрмай забун ўтган садолар ҳофиз қалбига кўчади ва эл орасида ўта таъсирли пардаларда, дод-фарёдлар тўлқинида мағрур жаранглайди. Аммо бу журъат санъаткорнинг, анча-мунча ҳофизнинг қўлидан кўнгилдагидек келавермайди.

Бастакорлиги ва гўзал ижроси билан танилган, аммо ҳеч қандай даражаларга эга бўлмаган, агар айтиш жоиз бўлса, туғма ҳофиз Комилжон Баратов ана шундай буюк истеъдод эгасидир.

Ҳар гулнинг ўз ҳиди, ўз кўриниши бўлади. Машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқов овозидаги куч ва ёқимлилик Фурқатнинг ғамгин нолишларини элга танитган бўлса, Жўрахон Султоновнинг гўзаллик кашф этган ижролари Навоийнинг муҳаббатни қадрловчи ғазалларини авлодларга етказишга ҳисса қўшди. Муроджон Аҳмедов Мукимий, Ҳазиний ғазаллари билан нозик куйлар оламида шуҳрат топган бўлса, атоқли ҳофиз Комилжон Отаниёзов ижросида халқнинг қайноқ қалбидан отилиб чиққан достонларни куйга солиб эл қалбига муҳрлагани, обрў топганини эслатиш кифоя. Бу улуғларнинг ҳар бири ўзига хос кўтаринкилик, овоз ва ифода талқинларига эга бўлган, бирини-бири такрорламайдиган гўзалликларга эга бўлган санъаткорлар сифатида машҳур эканлар, Комилжон Баратов эса бу машҳур ҳофизлардан ўзининг бетакрор йўғон ва ўта баланд, жонга малҳам садолари, қочиримлик овози билан кескин фарқланади.

Агар лофликка йўймасангиз, Комилжондаги қўшиқчилик ва мусиқа санъати, ижрочилик маҳорати буюк ҳазрат Навоийнинг «Ашулачилар ва чолғувчилар хусусида» айтган қуйидаги таърифига жуда мос тушади. Шоир ёзади: «Шодлик оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар. Модомики улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир кўнгил ҳуш оҳангдан қувват, руҳ эса ҳуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлининг ўти яна алангаланади. Агар гўзал бўлса, ҳиссиёт аҳлининг ўртасида қиймат кўтарилади. Очиқ чеҳрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради».

Ҳа, Комилжон, ҳақиқатан ҳам, куйган, эзилган юраклардан «тутун чиқарадиган» маҳоратли ижрочи.

Санъаткор репертуарида юзлаб қўшиқлар меъёрига етказиб куйланган. У қандай жиноят йўқлиги исботланиб, ғаламисликлар билан банд бахил ва туҳматчилар ер тишлади.

Комилжоннинг санъаткорлик фаолияти тўхтаб қолмаганини давр кўрсатди. Ўзбек қўшиқчилиги ва мусиқачилигида эркин қуш каби парвоз қила бошлади. Унинг репертуаридаги «Ушшоқ», «Топмадим», «Ироқ», «Зулол эмиш, билдим» (А. Навоий), «Қолдиму?», «Талқини баёт» (Бобур), «Ҳаргиз», «Фарёд» (Хувайдо), «Дастингдан», «На қилай» (Машраб), «Сайдинг қўя бер сайёд» (Фурқат), «Фарғона тонг отгунча» (Ҳазиний), «Феруз-1, -4» (Огаҳий), «Мискин-1» (Мискин) каби ғоявий юксак, бадиий баркамол ғазаллар заминида яратилган баланд, айни чоқда мунгли пардалардаги қўшиқлар халқ мулкига айланди.

— Мен Комилжонни куйлаш ва мусиқа соҳасида ўзига хос бўлган ёқимли овоз эгаси, таъсирли ва малҳамнамо мусиқачи сифатида қадрлайман,— дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов.— Унга худойим бетакрор кучли ва йўғон овоз ато этган. Бу нарса унинг бахтигина эмас, айтиш мумкин бўлса, бутун туркий халқларнинг ҳам омади, фахрланса арзигулик воқеликдир.

— Муҳаммаджон ака Комилжон акани ижрочилик маҳоратига тўғри баҳо бердилар,— сўзни давом эттиради Комилжоннинг шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов.— Мен устозга зўр таъзим қилган ҳолда яна қуйидагиларни қўшимча қилмоқчиман: Комилжон ака яқинда 60 ёшга кирадилар. Бу мўътабар рақамнинг 44 йилини ҳам қўшиқчи, ҳам театр санъатининг етук актёри сифатида яшадилар деб биламан. Овоздаги тўлақонли авжлар, ёқимли қочирмалар, интим ҳиссий туйғулар талқини мени унга суқланиб боқишга ундаган. Қўшиқчилик маҳоратининг баъзи нозик сирларини шу катта санъаткордан ўрганганман.

— Мен ҳам Комилжонни биргина ўзбек қўшиқчилигида қайнаб чиққан катта ҳофизгина эмас, шунингдек саҳна санъатида маҳорат билан роль ижро этган таниқли актёр сифатида ҳам ҳурмат қиламан,— гапга аралашади машҳур хонанда, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Таваккал Қодиров.— Мен Комилжон билан Фарғона мусиқий драма театрида кўп йиллар бирга ишлаганман, маълум даражада унинг ижод йўналишига кўмаклашганман. У «Нурхон»даги Ҳайдар, «Алпомиш»даги Қоражон, «Лайли ва Мажнун»даги Зайд, Яҳёхон Маматхоновнинг «Мели хабар»идаги Мели, «Аршин мол олон»даги Асқар, «Тоҳир ва Зуҳра»даги Қодир, «Муқимий»даги Ҳофиз каби 50 дан ортиқ бош ва етакчи ролларни бадиий баркамол қилиб яратган катта актёрдир...

1992 йил 23 сентябрь куни мен жумҳурият радио комитети биноси олдида Комилжон билан суҳбатлашиб турардим. Суҳбатга рўпарада турган 65 ёшлар чамасидаги икки нотаниш одам келиб қўшилди. Маълум бўлишича, улар Вашингтондан келган «Америка овози» радиостанциясининг ходимлари, асли миллати ўзбек бўлган Саид Анвар ва Саид Валихонлар эканлар. Салом-алик қилдик.

— Комилжон Баратов сиз бўласизми?, — деб сўрашди.

— Ҳа, мен. Хизмат?

— Биз сиз билан учрашиш, худо насиб этса, классик ижро намуналаринингиздан бирон дона кассетани Вашингтонга совға сифатида олиб кетиш ниятида эдик. «Америка овози» сизнинг қўшиқларингизни бебаҳо дурдона сифатида кўради. Бу қўшиқларни радиокомитетдан оласизлар, деб айтишган эдилар, худога шукр, ўзингиз билан учрашиб турибмиз. Бу аллоҳнинг каромати

...У 1948 йилда бор-йўғи 15 ёшлик ўспирин «яхшиларга эргашдим, топмадим зиён» деганларидек, Машрабнинг «Ёронлар», Махтумқулининг «Айрилма» деб аталувчи ғазалларини шу қадар жўшиб куйлардики, буни эшитган тингловчилар унинг қўшиқчилик маҳоратига қойил қолибгина эмас, ҳатто уни тарбиялаган Баратбой ва Ёдгорхонларга ҳам офарин айтишган эдилар. Дарвоқе, Комилжон санъаткорлар оиласида туғилган. У 10 ёшидаёқ қўшиқ айтиш, рубоб чалиш сирларини отаси — машҳур қўшиқчи, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Баратбой Бойматов, онаси ўзбек аёлларидан етишиб чиққан биринчи чангчи Ёдгорхон Ҳамидхўжаевалардан ўрганган эди. Бора-бора у ўзида бўлган ижрочилик санъатини тоғаси, Ўзбекистон халқ артисти М. Аҳмедов ва атоқли ҳофиз Р. Мамадалиевлар мураббийлигида изчиллик билан давом эттирди. Акаси — машҳур сурнайчи Райимжон ва укаси, таниқли ғижжакчи Исмоилжон Баратовлардан куй басталашда талайгина илҳом олди.

1950 йил. Классик қўшиқлар ижрочилиги бўйича Қўқон атроф районлари ҳаваскорларининг кўрик-танлови бўлди. Бунда 17 яшарлик талант соҳиби Комилжон Ҳазиниийнинг «Гиря» ҳамда Навоийнинг «Қаро кўзим» ғазаллари асосидаги қўшиқларини куйлаб тингловчиларни доғда қолдирган ва биринчиликни олган эди.

У ўз устида тинмай изланди: 1953 йили Тошкентдаги Ҳамза номли мусиқа билим юртини аъло тугаллади. Шундан сўнг Қўқон ва Фарғона область мусиқали драма театрларида актёр ва яккахон хонанда бўлиб ишлади.

Талантли ва маҳоратли хонанда 1966 йилда Тошкентга — Қ. Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясига яккахон хонанда сифатида ишга таклиф этилди. Бу ерда у 1982 йилгача халқимиз қалбига куй ва қўшиқлари билан кириб бора олди. Жумҳуриятимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида концертлар берди. Эл оғзида «Комилжон» деган жарангдор сўз муҳрланди: «Таниқли хонанда Комилжон Баратов куйлайди» деган йирик ҳарфлар билан битилган эълон ва рекламалар кўп йиллар клублар ва саройлар пештоқига илиб қўйилган эди.

Муаллим бўлиш учун мактабда дарс бериш шарт эмас. Мураббий қурувчини ҳам, бастакору хонанда ёки ғишт терувчию шифокорни ҳам тарбиялайди.

Комилжон ҳофиз кўп йиллардан бери Тошкент район «Шодиёна» ансамблида ёшларга ўзбек миллий санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Камолиддин Раҳимов, Жўрабек Набиев, таниқли хонандалар — Ҳотам Тожиев, Қодиржон Солиев, Муҳаммаджон Аҳмедов, Ҳотамжон Шерқўзиев, Жўрахон Пўлатов сингари юздан ортиқ талантларнинг улғайишида муаллимлик қилган устознинг яна янги шогирдлари бўй кўрсатади. Беихтиёр ижодкор ҳофизга: «Не сабабдан сиздек санъаткорга нишонлар мақтаналарли даражалар ато қилмаган?» — деб савол бердим.

— Ўзим мукофотлару даражалар кетидан қувмадим. Бундай имтиёзларга ўч бўлганлар ва бунга эришганларни кўп кўрдим. Санъатни халқдан ажратиб, уни беаёв сотаётган бундай «санъаткор»лар аллақачон эл назаридан қолган. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мен ҳали овоздан, мусиқа чертиш фаросатидан, матн танлаш маҳоратидан қолганимча йўқ...

Илойим шундай бўлсин. Санъатни кун сайин эъзозлаб, тобора янги-янги руҳий ва ижрочилик қирралари билан тўлдириб бораётган халқ ҳофизига тилагимиз шу. Қолаверса, санъат халқники экан, санъаткор ҳам халқникидир. Ноёб хонандаю маҳоратли созандага баҳони халқ аллақачоноқ бериб қўйган. Шундай эмасми?!

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент, халқ маорифи аълочиси.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоат ташкилотлари, математика факультетининг коллективи математик таҳлил кафедрасининг доценти К. Карашевага отаси

Есмухан КАРАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур районидаги С. Айний номли 84-ўрта мактаб жамоаси халқ маорифи аълочиси, мактаб илмий бўлим мудири Асқар Исмоиловга отаси

Исмоил ШОТУРСУН ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.30. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12